



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - Mart

477 n -son

Bog‘ot shaharchasi

Тумандаги “Искандар Орзубой боғи” фермер хўжалигида эскириб кам ҳосилли мева боғ майдонларини бузиш ва ўрнида интенсив боғ қилиш тўғрисида

Тумандаги “Искандар Орзубой боғи” фермер хўжалиги бошлиғи У.Искандаровнинг кам ҳосилли бўлган мева боғ майдонларини бузишни сўраб туман ҳокими номига ёзган сўровномасини ҳамда бу юзадан туман қишлоқ хўжалиги бўлими ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 декабрдаги “Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ-мева боғ майдонларини яроксиз деб топиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 1012-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер эгалари кенгашининг “Искандар Орзубой боғи” фермер хўжалигининг кам ҳосилли бўлган 601, 602, 603-контурлардаги 1,8 гектар мева боғ майдонларини бузиш тўғрисидаги хулосаси маъқуллансин.

2. “Искандар Орзубой боғи” фермер хўжалигининг кам ҳосилли бўлган 601, 602, 603-контурлардаги 1,8 гектар мева боғ майдонларини бузиб, ўрнига серҳосил бир хил навли, экспортбоп интенсив кўчатлар экишга руҳсат қилинсин.

3. Туман давлат солиқ инспекцияси (Х.Жуманиёзов), туман қишлоқ хўжалиги бўлими (Б.Ямғуров), туман статистика бўлими (М.Худайберганов) ва бошқа тегишли ташкилотлар ушбу қарорга асосан ўз ҳужжатларига қонунда белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Э.Худайберганов зиммасига юклатилсин.

Боғот туман ҳокими

Ш.Яхшибаев